



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 6 февраль, № 25 (9196)

Жума

Сайтимиэга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПОКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 февраль куни давлат ташрифи билан Исломободга келди.



Покистон ҳаво ҳудудида олий мартабали меҳмоннинг самолётига ушбу мамлакат Ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи учоқлари ҳамроҳлик қилди.

“Нурхон” аэропортида давлатимиз раҳбарини Покистон Президенти Асиф Али Зардорий, Бош вазир Шаҳбоз Шариф ва бошқа расмий шахслар қутиб олди.

Ўзбекистон Президенти Исломобод шаҳрига келгач “Глобал саноат ва мудофаа ечимлари” компаниясининг бош қароргоҳига ташриф буюриб, Мудофаа кучлари Бош қўмондониди — Қўролли Кучларнинг қуруқликдаги қўшинлари қўмондониди, фельдмаршал Асим Мунир билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, бугунги кунда хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакатнинг етакчи мудофаа саноати корхоналари ўртасидаги кооперация алоқаларини фаоллаштириш, ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш дастурларини кенгайтириш, тажриба алмашиш ва қўшма ўқув тадбирларини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Транспорт ва логистика соҳасида истиқболли инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш масалалари ҳам кун тартибиде бўлди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлиги ривожлантириш бўйича алоҳида “Йўл харитаси”ни тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Ўзбекистон Президенти учрашув якунида “Глобал саноат ва мудофаа ечимлари” компаниясининг ишланмалари, жумладан, Покистоннинг замонавий ҳарбий техникаси ва қурол-яроғ намуналари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарини Исломобод шаҳрида ажратилган қароргоҳда Покистон Ислом Республикаси Бош вазирини ўринбосари, ташқи ишлар вазирини Исмоил Дор қутиб олди.

Шу ерда бўлиб ўтган учрашувда Исмоил Дор давлатимиз раҳбарига ўтказилиши режалаштирилган икки томонлама тадбирлар кун тартиби ҳақида маълумот берди.

Ўзбекистон Президенти Бош вазирини ўринбосарини ушбу давлат ташрифини ташкил этишга қўшган улкан ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Ташриф доирасида бўлиб ўтадиган олий даражадаги музокаралар ва Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносабатларини янги амалий мазмун билан бойитишга ишонч билдирилди.

Шундан сўнг Покистон Бош вазирининг қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий қутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қорув саф тортди. Давлат мадҳиялари янгради.

Шавкат Мирзиёев ва Шаҳбоз Шариф расмий делегациялар аъзолари кутлади.

Расмий қутиб олиш маросимидан сўнг Исломобод шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазирини Шаҳбоз Шариф тор доирада музокара ҳамда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилишини ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари учрашув авалида Бош вазирни яқинлашиб келаётган муқаддас Рамазон ойи ва Покистон қуни байрами билан табриклади.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустақамлашнинг амалий жиҳатлари атрофича муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда ўзаро алоқалар фаол тус олгани мамнуният билан қайд этилди. Сиёсий мулоқот мустақамлашиб, парламентлараро ва идоралараро алмашинулар жадал ривожланмоқда.

Ўтган йил якунларига қўра ўзаро савдо ҳажми салкам 500 миллион долларга етди. Ўзбекистонда Покистон капитални иштирокидаги 230 га яқин корхоналар фаолият юритмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги авиақатновлар кўпайди. Банклараро корреспондентлик муносабатлари мустақамланмоқда.

Тўқимачилик, фармацевтика, кимё, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Томонлар ушбу ташриф арафасида ўтказилган сиёсий маслаҳат-

лашулар ва Ҳукуматлараро комиссия йиғилишининг натижаларини олқишлади.

Ташриф доирасида Ўзбекистон саноат маҳсулотларининг кўргазмаси ўтказилмоқда.

Икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари Мувофиқлаштирувчи қўмитасининг биринчи йиғилишини яқин кунларда Тошкентда ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Ишбилармон доиралар ўртасида узоқ мuddатли ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон — Покистон Ишбилармонлар кенгаши ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

Яқин келажақда ўзаро товар айирбошлашни 2 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди. Амалдаги Имтиёзли савдо битими доирасидаги маҳсулотлар турини, шунингдек, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун фитосанитария рухсатномалари рўйхатини янада кенгайтириш ҳамда Ўзбекистоннинг Лаҳор ва Карачидаги савдо уйларида фаол фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Ташрифга тайёргарлик доирасида қишлоқ хўжалиги, электротехника, геология, фармацевтика, энгил саноат, озик-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа соҳаларда қарийб 3,5 миллиард долларлик лойиҳалар портфели шакллантирилди.

Транспорт ва логистика алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Трансафгон темир йўли лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш ва Покистон — Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон транспорт йўлагини

ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Икки мамлакат ҳудудларининг ўзаро алоқалари иқтисодий ҳамкорлик ривожининг асосий драйверларидан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон — Покистон ҳудудлараро форумини ташкил этишга келишилиб, унинг биринчи учрашувини шу йил Хоразм вилоятида ўтказиш таклифи билдирилди.

Зиёрат туризми соҳасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари алоҳида муҳокама қилинди. Икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни мустақамлаш мақсадида жорий йилда Покистонда Ўзбекистон маданияти ҳафталиклари ва Ўзбекистон киноси кунларини ўтказишга келишиб олинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Бобурийлар меросини тарғиб қилиш учун Лаҳорда қўшма маданият марказини ташкил этишни таклиф қилди.

Музокаралар давомида халқаро ва минтақавий кун тартибидеги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилиб, кўп томонлама тузилмалар доирасида яқин ҳамкорликни давом эттиришга қатъий интилиш билдирилди.

Яқунда Шавкат Мирзиёев Шаҳбоз Шарифни жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келишга таклиф этди.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилишидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазирини Шаҳбоз Шариф Қўшма декларацияни имзоладилар.

Бундан ташқари, етакчилар ҳузурида қуйидаги икки томонлама ҳуж-

жатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди:

— Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026 — 2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Ўзбекистон — Покистон Ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисида битим;

— Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимга янги товарлар рўйхатини киритиш ҳақида баённома;

— Порт хизматлари ва чегирмалар тақдим этиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Фармацевтика маҳсулотларини назорат қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Тўқимачилик ва тикувчилик саноатида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Рақамли ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Буюк Бобурийлар сулоласининг илмий-маърифий, маданий ва меъморий меросини асраш, ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш тўғрисида битим;



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА САРКАРДА, ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ҲОМИЙСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 690 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк давлат арбоби ва саркарда, Иккинчи Ўйғониш даври — Темурийлар Ренессанси бунёдкори Амир Темур миллий давлатчилигимиз ва жаҳон тарихида бекиёс ўрин тутди.

Мустабид тузум томонидан ноҳақ қоралаб келинган бу улғ зотнинг муборак номи ва хотираси мустақиллик йилларида тарихий адолат асосида қайта тикланди. Соҳибқирон Амир Темур сиймоси миллий давлатчилигимиз тимсолига айланиб, ўзликни англаш, анъана ва қадриятларимизни тиклаш борасида халқимизга улкан маънавий куч бағишлаб келмоқда.

Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темур ҳайкаллари ўрнатилгани, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамда Халқаро Амир Темур жамоат фондининг фаолияти йўлга қўйилгани, “Амир Темур” ордени таъсис қилин-

гани, юртимиздаги кўплаб кўча ва хиёбонларга улғ аждодимиз номи берилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимиз миллий ривожланишининг янги босқичи — Учинчи Ренессансга қадам қўяётган, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз бераётган бугунги кунда Соҳибқирон Амир Темурнинг шахсияти, буюк аждодимизнинг башарият тарихи ва Турон тамаддунидаги ўрни ҳамда темурийларнинг бой ва бетакдор меросини чуқур ўрганиш, юртимиз ва чет элларда кенг оммалаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Мақсад

1. Мазкур қарорнинг асосий мақсади буюк аждодимиз асос солган Иккинчи Ўйғониш даврининг миллий ва умуминсоний моҳияти, **ёш авлодни Янги Ўзбекистон бунёд-**

корлари этиб тарбиялаш борасидаги улкан ўрни ва таъсирини инobatга олиб, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ташкилий-амалий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни янги сифат босқичига кўтариш ҳисобланади.

II. Ташкилий ва амалий чора-тадбирлар

2. Фанлар академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Халқаро Амир Темур жамоат фондининг қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:

а) **жорий йилда** Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

5 февраль куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ўн учинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунини сенаторлар парламент

қўқори палатасининг 2025 йилдаги фаолияти натижалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларни муҳокама қилишдан бошлади.

Мазкур масала юзасидан Сенат Раиси маъруза қилиб, ўтган йил давомида Сенат томонидан қўнунчилик, назорат-таҳлил, халқаро ҳамкорлик, маҳаллий Кенгашлар билан ўзаро ҳамкорлик ҳамда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш йўналишларида эришилган асосий натижаларга тўхталиди.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПОКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

— Спорт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
— Радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
— Экология ва табиий офатлар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
— Фавқулодда вазиятларни бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома;
— Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
— Гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва янги психоактив моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айлинишига қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
— Озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги келишув;
— Ўзбекистондан Покистонга истеъмол қилиш учун янги узилган олма, анжир, лимон ва аччиқ қалампир экспорти учун фитосанитария талаблари тўғрисида баённома;
— Икки мамлакат мудофаа вазирликлари ўртасида “Йўл харитаси”.

Шунингдек, Ўзбекистон — Покистон экспертлар кенгашини ташкил этиш, Ўзбекистон Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан Покистон Саноат ва ишлаб чиқариш вазирлиги хузуридаги Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бошқармаси, Термиз шаҳри ҳокимлиги ва Пешовар шаҳри

маъмурияти, Самарқанд шаҳри ҳокимлиги ва Исломобод шаҳри маъмурияти, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ва Исломобод стратегик тадқиқотлар институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Пешовар университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Покистон Миллий фан ва технологиялар университетининг фахрий доктори ва профессори унвонларини бериш маросими бўлиб ўтди.

Бош вазир Шаҳбоз Шариф давлатимиз раҳбарига бу ҳақдаги тегишли сертификатни топширди.

Ушбу унвонлар Ўзбекистон етакчисининг ижтимоий-иқтисодий ва таълим соҳаларидаги ислохотлар, мамлакатни изчил модернизация қилиш, фан ва технологияларни ривожлантириш, халқро ҳамкорлик ҳамда академик алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун берилди.

Маросимда Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вазир, университет раҳбарияти ва академик ҳамжамиятига юксак унвонлар учун миннатдорлик билдириб, таълим соҳасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассисларни

биргаликда тайёрлаш муҳимлигини таъкидлади.

1991 йилда ташкил этилган Миллий фан ва технологиялар университети илмий изланишлар ва инновацион фаолият, магистр ва докторларни тайёрлаш ҳамда санаят ва иқтисодиёт эҳтиёжларига мўлжалланган амалий тадқиқотларни олиб бориш каби йўналишларни ўзида мужассам этган.

Ўзбекистон Президентининг Покистонга давлат ташрифи доирасидаги тадбирларнинг навбатдагиси Исломободдаги кўчалардан бирига Тошкент ва янгидан барпо этиладиган боққа Заҳриддин Мухаммад Бобур номини бериш маросими бўлди.

Бош вазир Шаҳбоз Шариф ушбу қарор икки мамлакат ўртасидаги яқин тарихий ва маданий алоқаларни акс эттириши ҳамда Ўзбекистон — Покистон кўп қиррали шериклик муносабатларининг стратегик даражасини яна бир бор тасдиқлашини таъкидлади.

Тошкент кўчаси ва буюк аждодимиз Заҳриддин Мухаммад Бобур номи билан аталадиган янги боғ халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва меҳр-оқибат ришталарини янада мустаҳкамлашга бўлган ўзаро интилиш қатъий эканининг яққол рамзига айланиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф Исломобод шаҳрида бўлиб ўтган Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Мамлакатимиз етакчиси сўзининг аввалида Покистонга давлат ташрифи билан келиш таклифи ва ўтказилган самарали музокаралар учун ушбу мамлакат ҳукумати раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Жадал ривожланаётган Покистон Ўзбекистоннинг ишончли стратегик шериги эканлиги алоҳида таъкидланди. Покистон Бош вазири раҳбарлигида халқ фаровонлигини ошириш, иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ва мамлакатнинг халқро маълумки мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар Ўзбекистонни хурсанд қилаётгани айтилди.

Шунингдек, ушбу ташриф Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилганининг беш йиллигига ўтказилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Сўнгги беш йилда ўзаро савдо 2,5 бараварга, қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони эса қарийб 3 бараварга ошди. Яқин келажақда савдо айланмасини 2 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилди. 3,5 миллиард долларлик истиқболли савдо

ва инвестиция битимларининг портфели шакллантирилди.

Музокаралар якунида Қўшма декларация ва ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича 30 га яқин муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Минтақавий ҳамкорликни изчил ривожлантириш орқали Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини биргаликда мустаҳкамлашга интилиш қатъий экани билдирилди. Халқро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга тайёрлик қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Покистоннинг мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини фаол қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирди. Покистоннинг 2025-2026 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзоси сифатида тинчлик ва халқро барқарорликни таъминлаш борасидаги саяё-ҳаракатларига юқори баҳо берилди.

Фармацевтика, тўқимачилик, электротехника, тоғ-кон ва озик-овқат саноати, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувга эришилди. Транспорт ва логистика алоқаларини ривожлантириш ҳамда бизнес учун қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Худудларо ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида бу йил Ўзбе-

кистонда биринчи Худудларо форумни ўтказишга қарор қилинди.

Бундан ташқари, биргаликда маданият ҳафталиклари ва кинофестивалларни ташкил этиш ҳамда буюк мутафаккирларнинг илмий-маърифий меросини ўрганиш ва оммалаштириш режалаштирилмоқда.

Исломобод кўчаларидан бирига Тошкент номи берилгани учун яна бир бор миннатдорлик билдирилди.

Президентимиз, ўз навбатида, Покистон пойтахтида буюк давлат арбоби ва шоир Заҳриддин Мухаммад Бобур номидаги боғни бунёд этиш тўғрисида қарор қабул қилинганини эълон қилди. Бу Покистон халқига мамлакат мустақиллиги байрами нишонланиши арафасида муносиб тўхфа бўлади.

Мамлакатимиз етакчиси Покистон Миллий фан ва технологиялар университетининг фахрий доктори ва профессори илмий унвонлари берилгани учун Покистон томонига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев нутқининг якунида барчани бўлажақ Покистон куни байрами ва яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ойи билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БУЮК ДАВЛАТ АРБОБИ ВА САРКАРДА, ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ҲОМИЙСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 690 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) ҳар йили апрель ойини **“Амир Темур ойлиги” деб эълон қилиш** ва унинг доирасида умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда темуршунос олимлар, ёзувчилар ва санъаткорлар иштирокида учрашувлар, бадий-маърифий тадбирлар уюштириш.

3. Куйидагиларни назарда тутувчи теуирийлар даври тарихини тизимли ўрганиш ва илмий натижаларни кенг тарғиб этиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган “Йўл харитаси” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

а) **жорий йил 9-10 апрель кунлари** Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида “Амир Темур ва Теуирийлар тамаддунининг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамияти” **мавзусида халқаро илмий конференция ўтказиш**;

б) Амир Темур ва теуирийлар даври тарихи билан боғлиқ туркум китоблар, илмий ва илмий-оммабоп **асарларни тайёрлаш ва чоп этиш**, шу жумладан:

(i) “Темур тузулклари” асарининг илмий изоҳли матнини **форс, араб, хитой, инглиз, француз, испан ва рус** тилларида чоп этиш;

(ii) **“Теуирийлар даврининг 100 нодир қўлёзмаси”, “Теуирийлар даврининг 100 нодир дурдонаси”** китоб-альбомларини яратиш;

ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН КЕЛИШУВЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабина Маҳл билан учрашув ўтказди.

Учрашув

Суҳбат чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат барпо этиш йўлидаги кенг кўламли ислохотлар, Барқарор ривожланиш мақсадлари га эришиш борасидаги ишлар ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Олий Мажлис Сенати ва БМТ тузилмалари ўртасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, хусусан, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган қўшма дастур ҳамда ташаббусларни илгари сурш юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида Осиё

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

в) теуирийлар даврига оид, хорижий давлатларда сақланаётган **асл ёзма манбалар** нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш;

г) “Тирик тарих” лойиҳаси асосида суратга олинган, Амир Темур салтанатининг Европа давлатлари билан дипломатик ва элчилик алоқалари ёритиб берилган тарихий-бадий ва ҳужжатли фильмларни **Испания, Франция, Буюк Британия** каби хорижий мамлакатларда намойиш этиш;

д) Теуирийлар даври манбалари **электрон платформасини** яратиш.

4. Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда **2026 йил 1 мартдан бошлаб** Амир Темур ва теуирийларнинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган ҳиссасини кенг тарғиб қилиш мақсадида “Буюк теуирийлар” атамасининг халқаро илмий истилоҳ сифатида жорий қилинишини таъминлаш учун хорижий давлатларда **“Буюк теуирийлар тарихи ва маданий мероси”** мавзусида тақдимотлар, медиа тадбир ва анжуманлар ўтказсин.

5. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига бағишланган тадбирларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ташкилий қўмита (А. Арипов):

УМУМИЙ ТАРИХДАН МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистон дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг эътиборида бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг олиб бораётган изчил ва оқилона сиёсати натижасида хорижий инвесторларнинг юртимизга қизиқиши кун сайин ортаётгани ҳам ҳақиқат.

Акс садо

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида давлатларро муносабатлар фақатгина сиёсий мулоқот ёки иқтисодий манфаатлар билан эмас, балки таълим, илм-фан ҳамда инсон капиталини ривожлантириш орқали мустаҳкамланаётир.

Мухим сиёсий воқелик — Президентимизнинг қадимдан уйғун маданиятга, бир-бирига яқин тарихга эга бўлган Туркия Республикасига яқинда амалга оширган навбатдаги ташрифи кўп томонлама муносабатларни, ҳамкорликни мазмунан янги босқичга олиб чиқди. Дўстлик ришталарига таянган ташриф ўзаро муносабатларни замонавий стратегик ҳамкорлик даражасига қўтариш, энг муҳими, келажақ тараққиётини белгилловчи соҳалар, хусусан, таълим ҳамда инновацияларни ҳамкорлик марказига айлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли, албатта.

Айниқса, олий таълим ҳамда илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бу ташрифнинг узоқ муддатли аҳамиятини белгилаб бермоқда. Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви, олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилиши ўтказилгани, таълим тизимида муҳим амалий қадам сифатида қўрилаётган биринчи ўзбек мактабининг Истанбул шах-



рида барпо этилиши икки мамлакат ўртасидаги илм-фан соҳасида амалга оширилаётган ишларга дебона сифатида тарихга муҳрланди, десак, муболага эмас.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир давлатнинг рақобатбардошлиги унинг таълим тизими билан баҳоланади. Шу маънода, Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги ҳамкорликда таълим масаласининг устувор йўналиш сифатида илгари сурилиши ҳам бежиз эмас.

Сўнгги йилларда икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида қўшма таълим дастурлари, академик алмашинув, илмий тадқиқотлар ва педагог кадрлар тайёрлаш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти. Ташриф эса ушбу йўналишларни янада кенгайтиришга туртки берди. Чўнки бу каби саяё-ҳаракатлар фақат бугунги эҳтиёж эмас, балки эртанги тараққиётга қаратилган аниқ стратегик танлов ҳисобланади.

Президентимиз томонидан таълим соҳасига берилаётган юксак эътибор олий ўқув муассасалари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Бугунги халқро ташрифлар натижасида берилаётган имкониятлар биздан таълим сифатини

яхшилаш, халқро тажрибани атрофлича ўрганиш ва уни миллий таълим тизимига мослаштиришни талаб этади. Туркия университетлари билан йўлга қўйилаётган ҳамкорлик, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, илмий салоҳиятини ошириш ҳамда глобал рақобатга тайёр мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хусусан, дунёнинг машҳур “ТОП — 1000”талиқдан ўрин олган нуфузли уни-

“Сўнгги йилларда икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида қўшма таълим дастурлари, академик алмашинув, илмий тадқиқотлар ва педагог кадрлар тайёрлаш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти. Ташриф эса ушбу йўналишларни янада кенгайтиришга туртки берди.”

верситетлари билан ҳамкорликни амалга ошириш учун Бухоро давлат педагогика институти ҳам қатор ихобий ишларни йўлга қўйди. Йилдиз техника, Ҳажеттепе, Ҳожи Байрам Вали, Гази университетлари билан қўллаб истиқболли ҳамкорлик йўналишлари бўйича англашув меморандумлари имзоланди. Улар доирасида профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар алмашинуви, магистратура ва докторантура даражасида илмий раҳбарлик, икки дипломли дастурлар, шунингдек, “Erasmus+” ҳамда бошқа халқро грантлар бўйича ҳам-

корликни йўлга қўйиш масалалари келишиб олинди.

Ўзбек тили, маданияти ва миллий санъатини янада юксакларга қўтариш, Бухоро давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари иштирокида Туркия университетларида ўзбек тили бўйича онлайн тарзда дарс олиб бориш, миниатюра санъатини ривожлантириш мақсадида олийгоҳлар ўртасида талабалар алмашинуви юзасидан аниқ механизм ишлаб чиқилди.

Икки давлат ўртасида ўзаро савдо ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, транспорт соҳасидаги фаолиятни мустаҳкамлаш, энг муҳими, ёшлар ва таълим соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш ҳамкорлигининг узоқ муддатли пойдеворини яратишга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт йўлининг асосий йўналиши сифатида таълим ҳамда илм-фан соҳасининг танлангани шундан. Бугун йўлга қўйилаётган ва эришилаётган муҳим сиёсий ҳамда ҳамкорлик келишувлари яқин орада ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Зеро, Янги Ўзбекистон келажаги бўлиши билимли ҳамда замонавий фикрлайдиган ёш авлодга, уларнинг таълимига қаратилаётган эътибор ана шу келажақ сари қўйилган энг ишончли қадамдир.

Баҳоидир МАЪМУРОВ,
Бухоро давлат педагогика институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



1 Маълум қилинишича, 2025 йилда Сенат томонидан 136 та қонун қўриб чиқилиб, уларнинг 130 таси маъқулланган. Янги конституциявий ваколатлардан келиб чиқиб, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органилари фаолиятини тақомиллаштириш каби муҳим йўналишлар бўйича 13 та қонунчилик ташаббуси илгари сурилган.

Назорат-таҳлил фаолияти доирасида 83 та тадбир ўтказилиб, ҳудудларда аҳолини қийнаётган масалалар юзасидан Ҳукуматга аниқ тақлифлар киритилган. Жумладан, аҳолини ташвишга солаётган 1,5 мингдан ортиқ масалалар аниқланган ва Ҳукуматга қаратилган тақлиф асосида уларни ҳал қилиш учун 2026 йилда Давлат бюджетидан 2,2 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Сенат халқаро ва парламентлараро фаолиятини жадал давом эттирди. Хорижий ҳамкорлар билан қўллаб-қувватлаш ўтказилди, нуфузли халқаро анжуманлар ташкил этилди.

19 та мамлакат билан янги парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилган. Қатор йирик халқаро тадбирлар, хусусан, 2025 йил 5 — 9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси юқори савияда ўтказилган.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш, депутатлар салоҳиятини ошириш ва маҳаллаларда муаммоларни ҳал этишга қаратилган ишлар амалга оширилди.

Сенат қўмиталари томонидан маҳаллий Кенгашлар билан ҳудудлардаги долларб иқтисодий-иқтисодий масалаларни муҳофиза этиш ва ҳал қилиш бўйича қўшма сайёр мажлисларни ўтказиш амалиёти йўлга қўйилган. Депутатларнинг малакаси ва касбий салоҳиятини ошириш мақсадида 100 дан ортиқ ўқув семинарлари ўтказилган.

Ялпи мажлисда 2026 йилда Мурожаатномада белгиланган ўстувор йўналишлар асосида қонун ижодкорлиги, парламент нazorати, ҳудудлар билан ишлаш, аҳоли билан мулоқотни янада кучайтириш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш вазифалари белгилан олдинди.

Муҳофиза якунида сенаторлар томонидан тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилиб, ушбу йўналишлар бўйича аниқ вазифаларни белгилайдиган Сенат қарори қабул қилинди.

Шунингдек, ялпи мажлисда "Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун муҳофиза қилинди. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда

мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари сифатини ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Бироқ амалдаги қонунчилик ҳужжатларида тадбиркорлик субъектларининг доимий равишда хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш мажбурияти ва масъулияти белгиланмаган.

Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини таъминлаш тизими халқаро талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги натижасида республикаимизда озиқ-овқат маҳсулоти истеъмоли билан боғлиқ касалликлар, овқатдан захарланиш ҳолатлари кузатишмоқда, бу эса, ўз навбатида, аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳада назоратни кучайтириш ҳамда маҳсулот хавфсизлигининг умумий тамойилларини халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда белгилашга йўналтирилган қонунчиликни тақомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Қонун билан озиқ-овқат маҳсулоти хавфсизлигини таъминлашнинг асосий принциплари, ваколатли давлат органларининг соҳадаги ваколатлари аниқ белгиланмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш мақсадида Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги бўйича идоралараро кенгаш фаолияти йўлга қўйилиши назарда тутилмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигига доир санитария чоралари, қонда ва нормаларни ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш тартиби санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш битими талаблари билан уйғунлаштирилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши аҳолини хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, соҳада давлат назоратини кучайтиришга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини ҳамда озиқ-овқат соҳасининг инвестициявий жозибадорлигини ва экспорт ҳажминини оширишга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг янги тахрирдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, спорт қонун билан жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат томонидан қўллаб-

қуватланиши аниқ белгилан берилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт субъектлари қаторига Спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Миллий паралимпия қўмитаси киритилмоқда ҳамда уларнинг қўшимча ваколатлари белгиланмоқда.

Қонунда паралимпия, сурдлимпия, махсус олимпия ва қўзи охишлар спортни ҳаракатларига доир нормалар, спорт федерациялари, клублари ва лигаларнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда фаолият юритиш тартиби, уларни реестрга киритиш ва чиқариш мезонлари мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, қонунда мураббий, спорт ҳаками ва спорт агентининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгиланмоқда.

Бундан ташқари, спортда допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тартиби, спорт мусобақалари натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир кўрсатишга қарши курашиш тўғрисидаги янги нормалар киритилмоқда.

Қонунда аҳолини оммавий спортга жалб қилиш ва оммавий спорт тадбирларини тизимли ўтказиб боришга эътибор қаратилган.

Қонунда давлат томонидан спортчи ҳамда мураббийга бир марталик ва ойлик тўлов шаклидаги қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилиши мумкинлиги мустаҳкамланмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун соҳани янада ривожлантиришга, жисмоний тарбия ва спортга оид муносабатларни тизимли ташкил этишга хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу қонун билан амалиётда мавжуд ноангиқликлар ва ҳуқуқий бўлиқлар бартараф этилади, унда вазирилик ва идораларнинг ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг соҳага оид вазифалари аниқ белгилан қўйилган.

Сенаторлар мазкур қонунни маъқуллади. Ялпи мажлисда "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун ҳам муҳофиза этилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган дастурчи-фрилансерлар ўзлари яратган дастурий маҳсулот ва рақамли контентни хорижий мижозларга сотишда халқаро электрон платформалардан кенг фойдаланмоқда. Айрим йирик платформалар ёрдамида тўловлар банк карталари ёки банк ўтказмалари орқали амалга оширилаётган бўлса-да, "Upwork", "Fiverr", "Envato", "Storyblocks" каби платформаларда тўловлар фақат "PayPal" орқали амалга оширилиши мумкин.

Бирок ҳозирги вақтда "PayPal" тўлов тизими Ўзбекистонда чиқарилган банк карталари орқали тўлиқ ишламайди. Бу чеклов мамлакатимиз қонунчилиги, хусусан, "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги Қонунда белгиланган маълумотларни фақат Ўзбекистон ҳудудида сақлаш талаби билан боғлиқ. Натижада халқаро тўлов тизимларининг Ўзбекистон бозорига кириши муайян даражада чекланб қолмоқда.

Қонунга киритилаётган ўзгартиришлар бу борадаги муаммоларни бартараф этади. Халқаро онлайн тўлов тизимларининг мамлакатимизда фаолият юритишнинг енгиллаштириш, финтех, электрон тижорат ва рақамли иқтисодиёт ривожини жадаллаштириш, фрилансерлар учун қўнуний ва

шаффоф тўлов механизмларини яратиш, чет эллик туристлар учун контактсиз тўлов имкониятларини кенгайтириш шулар жумласидандир.

Қонунда фақат айрим турдаги шахсга доир маълумотлар (биометрик, генетик ҳамда телекоммуникация хизматлари билан боғлиқ маълумотлар) Ўзбекистон ҳудудида сақланиши шартлиги белгиланмоқда.

Бошқа маълумотларни чет элга узатиш ва сақлаш учун аниқ хавфсизлик талаблари жорий этилиб, Вазирлар Маҳкамасига шахсга доир маълумотлар хавфсизлиги таъминланган давлатлар рўйхатини тасдиқлаш ваколати берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, мазкур қонун электрон тижоратни ривожлантириш йўналишида ҳуқуқий ва меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига халқаро интернет платформаларидан фойдаланишда янада қулай шароитларни яратишга хизмат қилади.

Муҳофиза якунида сенаторлар қонунни маъқуллади.

Парламентнинг юқори палатаси аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистонда ислоний банк фаолиятини жорий этишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонунни ҳам муҳофиза қилди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий банк хизматларини жорий қилишга ва халқаро тажрибани инноватга олган ҳолда банк тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Бугунги кунда молиявий хизматлар қамровини кенгайтириш ва халқаро исломий молия стандартларига мувофиқ янги турдаги мубоқил банк хизматларини жорий этиш зарурати юзага келаётгани таъкидлаб ўтилди. Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун билан 2 та кодекс ҳамда 7 та қонунга исломий банк фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгилувчи янги нормалар киритилмоқда.

Хусусан, қонун билан исломий банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тури жорий қилиниб, унга оид талаблар белгиланмоқда. Жумладан, мазкур лицензия билан банклар томонидан тўлиқ исломий банк фаолиятини амалга ошириш ёки бир вақтнинг ўзида ҳам аънаваний, ҳам исломий банк фаолиятини амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Шунингдек, исломий молия фаолияти билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш мақсадида Марказий банк ва исломий банк фаолиятини амалга оширувчи банкларда исломий молия кенгашини ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятига доир талаблар белгиланмоқда.

Бундан ташқари, исломий молия операцияларининг ўзига хос хусусиятларини инноватга олиб, Солиқ кодексига исломий молия операцияларини солиққа тортиш тартибини белгилувчи алоҳида боб киритилмоқда. Унга асосан исломий молия фаолиятиндан олинган даромадлар солиқ солиш мақсадларида фоизли даромадларга тенглаштирилиб, банклар ва микромо-

лия ташкилотлари томонидан мижозга реализация қилинадиган товарларга қўйиладиган устама ҚҚСдан озод қилинмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларининг кенгайишига, мамлакатимизда рақобат муҳитининг яхшиланишига ҳамда банк-молия соҳасига янги стратегик инвесторларнинг кириб келишига хизмат қилади.

Бедорлик

МАЖБУР ҚИЛАМИЗ!



Биз учун куйганни, куймаганни ҳам, Меҳримиз туйганни, туймаганни ҳам, Бизларни суйганни, суймаганни ҳам, Меҳр кўримиздан масрур қиламиз — Бизни тан олишга мажбур қиламиз!

Лекин пашшага ҳам бўлмағаймиз гов, Бегона боғларда қилмағаймиз ов, Фақир бўлса ҳамки, бўлса ҳамки ёв, Маҳваш боғимизга мафтун қиламиз, Бизни тан олишга мажбур қиламиз!

Жаҳонни ўзига қаратган халқмиз, Оламга шарафлар таратган халқмиз, Икки Ренессансни яратган халқмиз, Ватанни Ойдан-да машҳур қиламиз, Бизни тан олишга мажбур қиламиз!

Биз кўрган, кўрмаган томонлар ҳаққи, Тўзонли, тўфонли замонлар ҳаққи, Жаҳонгир Туркистон, Туронлар ҳаққи, Боболар руҳини давхур қиламиз, Бизни тан олишга мажбур қиламиз!

Тўғри, тинч бўлмади доим йўлимиз, Туманга кўмилди ўнгу сўлимиз, Ҳеч кимдан паст эмас бутун қўлимиз, Дилларни, дилларга махмур қиламиз, Бизни тан олишга мажбур қиламиз!

Бутун уйғонмоқда қадимий бўстон: Янги Ўзбекистон — қудратли туғён, Қудратли ҳар кўнгил, ҳар дил — бир дoston, Туркистон уйғонди, уйғонди Турон, Энди еру кўкни мафтун қиламиз, Бизни тан олишга мажбур қиламиз!

Оташқалб, шерюрак Юртбоши билан, Ўзбекнинг меҳрибон қуёши билан, Қурдоши, қўлдоши, йўлдоши билан, Жумлаи жаҳонни мафтун қиламиз, Бизни тан олишга мажбур қиламиз!

Абдусайд КҶЧИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Очиқ парламент

ДЕПУТАТЛАР РАҚАМЛИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ЎРГАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси аъзолари Соғлиқни сақлаш вазирлигида бўлиб, соҳада коррупция омилларини бартаф этиш, тизимни рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Мулоқотда сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан янгилаш, уни замонавий талаблар ва рақамли технологиялар асосида ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани айtilди. Мазкур устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Рақамли соғлиқни сақлаш маркази ташкил этилди. Учрашувда вазирлик масъулларининг бу борадаги ахборотлари ҳам эшитилди.

Маълумотларга кўра, Рақамли соғлиқни сақлаш маркази соғлиқни сақлашни рақамлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, шаффофлик ва самарадорликни таъминлашга қаратилган рақамли трансформация жараёнларининг асосий мувофиқлаштирувчи тузилмаси ҳисобланади.

Бугунги кунда марказ томонидан тиббиёт тизимини тўлиқ рақамлаштириш, электрон рецeпт амалиётига ўтиш, тиббиёт муассасалари ўртасида ягона ахборот маконини шакллантириш, шунингдек, беморларнинг тиббий маълумотларини электрон шаклда юритиш ва ишонч-

ли ҳимоя қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, жорий этилган тизим орқали аҳоли учун тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари янада кенгайиб, тиббиёт ходимларининг иш юки оптималлаштирилаётир, инсон омили таъсири камайтирилиб, тиббий тавсиялар қабул қилишда аниқ ва ҳолия маълумотларга таяниш имкони яратилмоқда.

Масъулларнинг маълум қилишича, ушбу марказ фаолияти мамлакатимизда "Инсон қадрли учун" тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар, рақамли тиббиётни татбиқ этиш йўлидаги қатъий сиёсий ирода ҳамда соғлиқни сақлашни замонавий, очик ва самарали тизимга айлантириш борасидаги изчил саъй-ҳаракатларни яққол намоён қилади.

Учрашувда депутатлар томонидан соҳага оид амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, тизимни замон талабларига мос равишда ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Мақсадли индикаторлар ижроси: ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Дин ишлари бўйича кўмита ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2025 йил давомида бюджет харажатларининг мақсадли индикаторлари ижроси бўйича амалга оширган ишлари тўғрисидаги ахборотлари эшитилди.



Йиғилишда ушбу вазирлик ва идоралар томонидан мақсадли индикаторларга эришиш борасидаги ижобий натижалар эътироф этилди. Шунингдек, ижроси тўлиқ ёки қисман бажарилган мақсадли индикаторларнинг бажарилишига таъсир кўрсатаётган омиллар мутахассислар иштирокида атрофича муҳокама қилинди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг маълумотига кўра, мақсадли индикаторлар ижроси бўйича ўтган йилда бюджет ташкилотларида ишловчи 1,3 миллион хотин-қизнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари учун зарур маблағ ажратилган. Бюджет ташкилотларида ишловчи 162 мингга яқин аёлларга ҳомиладорлик

нафақаси учун режага кўра маблағлар йўналтирилган. Хусусий секторда ишловчи аёллар ҳам қўллаб-қувватланиб, уларнинг 12,3 минг нафарига бюджетдан тегишли маблағ ажратилган. Қолаверса, ишсиз ва иш қўдираётган хотин-қизларни касбга тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида Бандликка кўмаклашиш 259,6 минг нафар хотин-қиз учун зарур маблағлар йўналтирилган.

Муҳокама давомида вазирлик томонидан мақсадли индикаторлар бажарилиши бўйича эришилган ижобий натижалар тақдим этилган бўлса-да, айрим вазифалар ижроси ҳақида маълумот йўқлиги де-

путатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Эшитув давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришилиши борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилгани айtilди. Хусусан, инсон ҳуқуқларига риоя этилишини, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари тикланишини таъминлаш бўйича мурожаатларнинг 1228 та, яъни мақсадли индикатор кўрсаткичидан 172 тага кам бўлиши мамлакатимизда ушбу соҳадаги ижобий ўзгаришларнинг натижаси сифатида қайд этилди.

САМАРАЛИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА МУҲИМ ТАВСИЯЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси томонидан Рақамли технологиялар вазирлигининг "Бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, мақсадли индикаторларнинг бажарилиши тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Муҳокама давомида вазирлик томонидан мақсадли индикаторларга эришиш борасидаги ижобий натижалар депутатлар томонидан алоҳида қайд этилди.

Таъкидланганидек, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида вазирликка юклатилган барча вазифалар ижроси тўлиқ таъминланган. Хусусан, ёшларни IT соҳасида тайёрлаш бўйича "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида ўтган йилда 500 мингдан ортиқ ёшлар онлайн таълим курсларини таъминлаган.

Шунингдек, мамлакат аҳоли пункт-

ларини интернет билан қамраб олиш даражаси юқори кўрсаткичларга етказилган. Мобиль интернет қамрови 99,5 фоиз, оптик толали алоқа билан қамров эса 98,1 фоизни ташкил этган.

Вазирлик ахборотида IT-парк фаолияти бўйича ижобий натижалар ҳам айtilди. Хусусан, IT-парк резидентлари сони 3 426 тага етказилиб, уларда яратилган иш ўринлари 43 мингдан ошгани ургуланди.

Давлат хизматларини рақамлаштириш йўналишида Ягона интерактив давлат хизматлари порталида хизматлар

сонини 800 тадан оширилиб, электрон хизматлар улуши 62,7 фоизга етказилгани натижасида аҳоли ҳамда тadbиркорлар учун вақт ва молиявий ресурслар тежалишига эришилган.

Йиғилишда 2025 йилда вазирликка ажратилган бюджет маблағларининг асосий қисми мақсадли ва самарали ўзлаштирилгани, айрим йўналишлар бўйича маблағлар оптимизация қилингани таъкидланди.

Шу билан бирга, депутатлар томонидан Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш, бунда мақсадли индикаторлар ижросига қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Яқунда мазкур масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ҲУДУД ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалар 2026 йилда Фарғона вилоятидаги барча ислохотларнинг асосий мезонига айланди. Жорий йилда иқтисодий ўсишни фақат рақамларда эмас, балки аҳоли даромадлари, янги иш ўринлари ва турмуш сифати орқали ҳис этириш асосий мақсад қилиб олинди.

Фикр



Куни кеча Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда Президентимиз томонидан бу борада муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Айтиш керакки, бугун вилоятда инвестиция муҳитини яхшилаш ва янги институтлар жорий қилиш мақсадларига эришиш йўлида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, хусусий сектор фаоллигини ошириш ҳамда лойиҳаларни тизимли бошқаришга қаратилган янги механизмлар татбиқ этилмоқда.

Айни вақтда вилоятга халқаро молия бозорларида ишонч ортаётгани муҳим аҳамиятга эга. Бир қатор халқаро агентликлар билан бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ва тadbиркорлик фаолияти учун замин яратиш мақсадида халқаро молия институтларидан ҳам маблағларни жалб қилиш режалаштирилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан муҳим истикболли лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши кўзда тутилган.

Шу ўринда иқтисодий ўсишининг аниқ кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсак, маълумки,

мамлакат раҳбари томонидан 2030 йилга бориб республика ЯИМ ҳажмини 240 млрд. долларга етказиш вазифаси қўйилган. Шу мақсадда Фарғона вилоятининг улуши ҳам аниқ ҳисоб-китоб қилинган.

Барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш орқали 2030 йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажминини ошириш режалаштирилган.

Вилоятда ҳар бир ислохот инсон қадрини улуғлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Жумладан, камбағалликка қарши курашишда фақат ижтимоий ёрдам билан чекланиб қолмасдан, ҳар бир оила учун алоҳида "даромад ҳаритаси" ишлаб чиқиш, касб-ҳунар, мулк, томорқа, кредит ва бозорга чиқиш орқали барқарор даромад манбалари яратиш амалиёти жорий этилади.

Бундан ташқари, махсус саноат зоналари учун ер ажратилиши кўзда тутилгани фарғоналик тadbиркорлар томонидан катта миннатдорлик билан қабул қилинди. Бу вилоят саноат салоҳиятини кескин

ошириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар яратди.

Қурилиш ва инфратузилма соҳасида ҳам муайян чора-тадбирлар белгиланди. Кўп қаватли уй-жойлар қуриш, автомобиль йўллари таъмирлаш, электр, газ, ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини кенг қўламда реконструкция қилиш шулар жумласидан.

Кишлоқ ҳўжалигида даромад ва ҳосилдорлик устувор соҳага айланади. 2026 йилда кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Сув тежовчи технологиялар, интенсив боғдорчилик ва қайта ишлаш ҳисобиға фермерлар даромадини камида 1,5 баробар ошириш мақсад қилинган. Сув ҳўжалигида "ақли" технологиялар жорий этилиб, интенсив боғ ва аквакультура лойиҳалари амалга оширилади.

Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш орқали хизматлар сифати янги босқичга олиб чиқилади. Мактабгача таълим қамрови, аҳолининг спорт билан мунтазам шуғулланиши ҳам режалаштирилган кўрсаткичларга етказилади.

Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар вилоятда янги тараққиёт босқичини бошлаб бериш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Барча чора-тадбирлар ҳаётини таъминилларга тўла мос бўлиб, уларнинг ижроси натижасида вилоят барқарор ривожланаётган, инвестиция учун жозибадор ва аҳоли фаровонлиги юксалган ҳудудга айлантирилади.

Гулҷеҳра ЖЎРАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

ФАН ВА ТАЪЛИМ
янгиликлари

Ўзбекистон олий таълим салоҳиятининг Озарбайжондаги намоиши



Озарбайжон Республикасида Ўзбекистон олий таълим ташкилотларининг навбатдаги кўргазмаси муваффақиятли ташкил этилди. Унда мамлакатимиздан қатор олийгоҳлар қатнашиб, таълим дастурлари, илмий салоҳият ва халқаро имкониятларини кенг жамоатчиликка тақдим қилди.

Кўргазма доирасида абитуриентлар ва ҳамкорлар учун мўлжалланган "Study in Uzbekistan" веб-порталининг тақдими ҳам уюштирилди.

Озарбайжоннинг етакчи университетлари билан бўлиб ўтган самарали учрашувлар давомида икки томонлама академик алмашинув, қўша таълим дастурлари ва илмий ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

Мактаб ўқувчилари учун махсус стипендия



Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясидан маълум қилинишича, юртимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун махсус чораклик стипендия жорий этилди.

Мақсад — ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини мус-таҳкамлаш, иқтидорли ва ихтимойи фаол ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар орасида истеъмол маданиятини ошириш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларига бўлган қизиқишни рағбатлантириш, келажақда соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш.

Ушбу стипендия дастлаб олис ҳудудлар — Мўйнок, Томди ва Сўх туманларидаги мактабларда татбиқ қилинади.

Тегишли низомга кўра, махсус стипендия ҳар чоракда, яъни ҳар уч ойда бир мартаба иқтидорли ва фаол ўқувчиларга тақдим этилади.

Ёш истеъдоднинг халқаро муваффақияти



Юртимизда ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, мактабгача таълим тизимида болаларнинг иқтидори ва билимига алоҳида эътибор қаратилаётгани халқаро миқёсдаги ютуқлар орқали ҳам яққол намоён бўлаётир.

Гап шундаки, Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида жойлашган 368-давлат мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиси Юнусбек Абдусалимов Қатар давлатида бўлиб ўтган инглиз тили бўйича халқаро олимпиадада муносиб иштирок этиб, 1-ўринни қўлга киритди.

Ёш бўлишига қарамасдан Юнусбекнинг чет тилини пухта ўзлаштиргани, билим ҳамда салоҳиятини халқаро майдонда намоён эта олгани, шубҳасиз, келажақдаги муваффақиятларга пойдевор бўлади.

«Халқ сўзи».

Жорий йилда «Ўзбекистон мероси меҳмонхоналари» дастури амалга оширилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 25 447 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эвонлар 71-259-74-87.



Тахриратга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Баҳромов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.35 Топширилди — 02.35 1 2 3 4 5 6